



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Ne'matov Azizbek G'olibjon o'g'li**

Аннотация. Мазкур мақолада тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти соҳадаги етакчи олимларнинг илмий қарашлари асосида таҳлил қилинган. Унда жиноятлар профилактикасининг тушунчаси, мазмун-моҳияти ҳамда ушбу соҳада амал қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган. Шунингдек, тергов органлари томонидан жиноятларни профилактика қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хулоса қисмида профилактик фаолиятни ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий этиш ва уни самарали режалаштириш жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: жиноятларни олдини олиш, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, тергов профилактикаси, тақдимнома, жиноят муҳокамаси.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ НА СТАДИИ ДОСУДЕБНОГО СЛЕДСТВИЯ

Аннотация. В статье анализируются мнения специалистов в области профилактики правонарушений органов дознания, их понятие, содержание, а

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz
azizbek_nematov_696@mail.ru



также нормативно-правовые документы в области профилактики правонарушений органов дознания. Следственные органы уделяют особое внимание вопросу предупреждения правонарушений. В заключительной части статьи поясняется, что большое значение в раннем предупреждении преступлений имеет организация нового механизма профилактической деятельности и ее эффективное планирование.

Ключевые слова: профилактика преступлений, причины и условия преступности, виды профилактики преступлений, профилактика расследования, представление, уголовное судопроизводство.

LEGAL FRAMEWORK FOR THE IMPLEMENTATION OF CRIME PREVENTION AT THE PRE-TRIAL INVESTIGATION STAGE

Annotation. The article analyzes the opinions of experts in the field of crime prevention of investigative bodies, their concept, content, as well as normative legal documents in the field of crime prevention of investigative bodies. Investigative bodies pay special attention to the issue of crime prevention. In the concluding part of the article, it is explained that the organization of a new mechanism of preventive activities and its effective planning are of great importance in the early prevention of crimes.

Keywords: crime prevention, causes and conditions of crime, types of crime prevention, investigation prevention, presentation, criminal trial.

Юридик адабиётларда “жиноятларнинг олдини олиш” ва “жиноятлар профилактикаси” тушунчалари аксар ҳолларда бир маънода қўлланилиб, мазмунан бир-бирига яқин ҳисобланади. Мазкур атамалар жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, жиноят содир этилгандан сўнг жазо қўллашга эмас, балки жиноят ва ҳуқуқбузарликлар



келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини англатади.

“Профилактика” атамаси юнонча *prophylaktikos* сўзидан келиб чиққан бўлиб, “сақлаб қолувчи”, “ҳимоя қилувчи”, “олдини олувчи”, “маълум бир ходисанинг юзага келишини тўхтатишга қаратилган тадбирлар” каби маъноларни ифодалайди. Ҳукукий нуктаи назардан профилактика жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек уларнинг қайта содир этилишини чеклашга қаратилган тизимли фаолият сифатида тавсифланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика тушунчаси кенг қамровли мазмунда қўлланилиб, у ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек уларнинг содир этилишига туртки бўлаётган омиллар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф қилишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, ахборотий ва бошқа турдаги чора-тадбирлар тизими сифатида белгиланади. Бу эса профилактик фаолиятнинг комплекс ва тизимли характерга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш шакллари мазмунига кўра хилма-хил бўлиб, улар асосан ёзма мурожаатлар, оғзаки тушунтиришлар, кўргазмали тадбирлар ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш шаклларини ўз ичига олади. Ушбу шакллар профилактик ишларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ёзма шакли, аввало, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ахборот-маърифий фаолият орқали намоён бўлади. Жумладан, газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар чоп этиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар, ҳикоялар ва очерклар эълон қилиш, аҳоли



гавжум жойларда ёзма эълонлар ва огоҳлантирувчи маълумотларни жойлаштириш ушбу шаклнинг асосий кўринишларидандир. Шунингдек, аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омиллари, фуқароларнинг жабр кўриш эҳтимоли юзасидан уларни огоҳлантириш мақсадида хатлар юбориш, тақдимномалар киритиш, расмий огоҳлантиришлар бериш, тегишли ташкилот ва шахсларни хабардор қилиш ҳам ёзма профилактиканинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг оғзаки шакли эса асосан бевосита мулоқот орқали амалга оширилади. Бунда турли суҳбатлар ўтказиш, маърузалар ўқиш, савол-жавоб тарзида учрашувлар ташкил этиш, радио эшиттиришлар уюштириш, аҳоли гавжум жойларда (бозорлар, метро бекатлари, супермаркет ва гипермаркетларда) огоҳлантирувчи овозли эълонлар бериш каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу шакл аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини яратиб, профилактика ишларининг таъсирчанлигини оширади.

Дастлабки тергов органларининг жиноятларни профилактика қилиш борасидаги фаолияти ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг умумий назарий асослари билан уйғун ҳисобланади. Яъни мазкур тушунчалар мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, тергов органлари профилактик фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Бу борада рус олими И.Р. Веренчиков терговчининг жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини ўрганиш муҳимлигини таъкидлаб, уни жиноятлар ижтимоий профилактикасининг асосий субъекти сифатида баҳолайди. Олимнинг фикрича, терговчининг дастлабки тергов босқичида жиноятнинг сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш



бўйича амалга оширадиган фаолияти жиноятлар ижтимоий профилактикасини юритувчи бошқа субъектлар учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Жиноят-процессуал ҳуқуқига оид ва бошқа юридик адабиётларда тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг тушунчасига алоҳида таъриф берилмаган. Бироқ, тергов органлари фаолиятининг асосини содир этилган жиноятларни очиш билан бирга жиноятларнинг олдини олиш ҳам ташкил қилади. Бунда тергов органлари томонидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш мажбурияти қонун ҳужжатларининг вазифаларидан бири бўлган жиноятларни олдини олиш чораларини кўришдан иборатдир¹.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясини ишлаб чиққан ҳуқуқшунос олимлар жиноятларнинг олдини олишни жиноят процессининг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этиб, ушбу фаолиятни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига жиноятнинг сабабларини, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашдан иборат, деб қайд этишган². Фикримизча, жиноят-процессуал нуқтаи-назаридан мазкур таъриф тўлдирилиши лозим. Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддасида: “...суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади”,-деб қайд этилган. Шу нуқтаи-назардан тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти нафақат жиноятнинг сабабларини, унинг содир этилишига имкон берган шарт-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.А. Абдумажидов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.-

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси /нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. Т.:Адолат, 2010. Б. 184.



шароитларни аниқлаш, балки уларни бартараф қилиш бўйича процессуал чораларни кўришдан ҳам иборат.

Жиноят ҳуқуқига оид юридик адабиётларда жиноятларнинг олдини олиш, аввало, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш орқали шахснинг ҳуқуқий хулқ-атворини белгиловчи мустақил ҳуқуқий меъёр сифатида тавсифланади. Мазкур ёндашувга кўра, жиноятларнинг олдини олиш ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт бартараф этилишини, яъни шахс онгида қонунга зид ҳаракат содир этишга бўлган ички эҳтиёжни юзага келтирмасликни таъминлашга қаратилган фаолият сифатида намоён бўлади.

Жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ушбу таърифга қўшилиш мумкин. Чунки жиноят қонунчилиги орқали муайян хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарлик белгилаш йўли билан жамиятда ҳуқуқий хулқ-атвор меъёрлари шакллантирилади ҳамда уларнинг аниқ чегаралари белгиланади. Жиноят қонунининг превентив аҳамияти шунда намоён бўладики, у фуқароларни қонун талабларига риоя этишга ундайди, жиноий жавобгарликдан қўрқиш орқали эса жиноят содир этишдан тийилишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олишга қаратилган фаолияти доирасида аниқланадиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар юқорида қайд этилган жиноятларни олдини олишнинг ҳар икки йўналишида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хусусан, жиноий-ҳуқуқий профилактика нуқтаи назаридан мазкур сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш жиноят қонунчилигининг самарали қўлланилишини таъминлашга хизмат қилса, криминологик нуқтаи назардан эса жиноятчиликнинг келиб чиқиш омилларини бартараф этишга қаратилган



профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини шартли равишда икки, ўзаро узвий боғлиқ бўлган босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчи босқичда тергов органлари томонидан дастлабки тергов жараёнида жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш вазифалари амалга оширилади. Бу босқичда жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўрганиш орқали жиноятнинг келиб чиқиш омиллари, ижтимоий муҳитга оид камчиликлар, ташкилий ва ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланади.

Иккинчи босқичда эса аниқланган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари назарда тутилади. Жумладан, тергов органлари томонидан тегишли давлат органлари, ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга тақдимномалар киритиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, профилактик аҳамиятга эга бўлган тавсиялар бериш каби фаолият йўналишлари ушбу босқичнинг мазмунини ташкил этади. Мазкур босқичнинг самарали амалга оширилиши жиноятларнинг такрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда профилактика фаолиятининг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу тариқа, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти жиноятчиликка қарши курашиш тизимида мустақил ва муҳим ўрин эгаллаб, у нафақат жиноятларни очиш, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш орқали жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятига қуйидаги муаллифлик таърифини илгари суришни лозим деб ҳисоблаймиз, яъни *тергов органларининг*



жиноятларнинг олдини олиш фаолияти бу – тергов ҳаракатлари ўтказиш орқали жиноятларнинг сабабларини, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф қилишга қаратилган жиноят-процессуал хатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Тергов органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш, олиб боришдан кўзланган асосий мақсадлар жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган мақсадлари билан уйғундир. Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартиби уч мақсадга хизмат қилади: биринчидан, қонунийликни мустаҳкамлашга – яъни, жиноят ишларини юритишда Конституция ва қонунларнинг устунлигини эътироф этишга; иккинчидан, жиноятларнинг олдини олишга – яъни, судланувчи ва бошқа шахсларга ахлоқий-руҳий таъсир кўрсатиб, улар томонидан янги жиноят содир этишининг олдини олишга; учинчидан, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга – жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари жиноят туфайли зарар ёки зиён етган алоҳида шахслар, давлат ёки жамият манфаатларини ҳимоя этишга, шу жумладан, етказилган моддий ва маънавий зиённи қоплашга хизмат қилади³.

Фикримизча, тергов органларининг жиноятларни олдини олиш фаолиятининг мақсадларини қуйидаги тартибда кенгроқ ифода этиш мақсадга мувофиқ:

- жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш;
- фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- ижтимоий хавфли қилмиш оқибатларини бартараф қилиш;
- ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва қонунийликни таъминлаш;

³Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б.-7.



- жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш баробарида жиноятларни барвақт олдини олиш фаолиятини зарур ахборотлар билан таъминлаш;

- ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнинг, бундай хатти-ҳаракатларни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг жиноий фаолиятларига чек қўйиш.

Қайд этиш лозимки, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти юридик фан тизимида муҳим масала ҳисобланади. Айниқса, жиноят ҳукуқи, жиноят-ижроия ҳукуқи фанлари жиноятларни олдини олиш фаолиятининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Жиноят ҳукуқи содир этилган қилмишнинг жиноят эканлигини аниқлаш ва шу жиноят учун жазо тайинлашни тартибга солса, жиноят-процессуал ҳукуқи содир этилган жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов органларининг суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган фаолиятини тартибга солади. Жиноят ижроия ҳукуқи эса, жиноят содир этганлиги муносабати билан жиноий жазога ҳукм қилинганларнинг жазосини ижро этишдан келиб чиққан муносабатларни тартибга солади. Мазкур фанларнинг ўзаро боғлиқлиги, энг аввало, улар вазифаларининг, яъни жиноятчиликка қарши курашнинг умумийлигида ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноят ҳукуқининг ҳам, жиноят-ижроия ҳукуқининг асосини ташкил қилувчи кодексларнинг асосий вазифаларида айнан жиноятларнинг олдини олиш қайд этилган. Жумладан, Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика [Конституцияси](#) ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат деб белгиланган⁴. Жиноят-ижроия кодексининг вазифаларида эса жазо ижросини

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 2-модда



таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш каби муҳим мақсадлар қайд этилган⁵.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил қилиш жамият ва давлат, фуқароларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги учун ҳам бирдек долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан республикамизда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари тегишли қонунлар, фармонлар ва қарорлар билан мустаҳкамланган ва такомиллаштирилиб келинмоқда.⁶ Бугунги кунда тергов органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг икки муҳим, бевосита ҳуқуқий асослари, жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари янада такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 3723-сон қарори билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида қуйидагилар, биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди; учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилди ва унинг таркиби тасдиқланди; тўртинчидан, идоралараро комиссия ва

⁵ Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси 2-модда

⁶ Неъматов А. ЖИНОЯТ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 7-10.



«электрон жинойт иши» дастлабки лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳларнинг вазифалари белгиланди; бешинчидан, «электрон жинойт иши» дастлабки лойиҳасини амалга ошириш шартлари ва талаблари белгиланди⁷. Қайд этиш жоизки, ҳозирда республикамизда жинойтчиликка қарши курашиш, хусусан жинойтларни олдини олиш борасида жинойт ҳамда жинойт-процессуал қонунлардан ташқари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинганки, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жинойтларнинг олдини олиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилиши билан бирга, ушбу тизимда бутун бир механизм ишлашини таъминламоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ва қарорлари жинойтларнинг олдини олиш

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май куни қабул қилинган «Жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 3723-сон қарори // <http://lex.uz/docs/3735818> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.)



фаолятининг муҳим ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари сифатида қўлланилмоқда. “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги №565-сонли қарорида “Содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолятини мувофиқлаштириш” асосий мақсад этиб белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу қарорда “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш қонунийлик, ошкоралик, жамоатчилик иштирокини таъминлаш, одиллик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, тизимлилик, айбсизлик презумпциясига риоя этиш, ишонтириш усулининг устуворлиги каби принциплар асосида амалга оширилади.”⁸ деб белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жиноятларни профилактика қилиш фаолятида тергов органларининг асосий уйғунлаштириш ўз навбатида жиноятларнинг муваффақиятли профилактика қилинишини таъминлайди. Дастлабки тергов органлари фаоляти нуқтаи назаридан келиб чиқиб, жиноятларни профилактика қилишда янгича ёндашув ва механизм ишлаб чиқиш ва шу орқали жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишини профилактика қилинишига асос бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтга келиб, тергов

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори №565-сон 2021 йил 10 сентябрь 1-боб 5-банд.



органларининг жиноятларни профилактика қилиш фаолиятида жиноятларни профилактика қилишнинг механизмини ишлаб чиқишни тақазо этмоқда.

Суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларнинг жиноят содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш фаолияти юзасидан ўрганилган муҳим маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

биринчидан, жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаб бартараф этишнинг янги механизмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги №565-сонли “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳофафа қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори талабларидан келиб чиқиб, “Содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 196-моддасини (“Хуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик”) тўлдириш, яъни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38 ва 344-моддаларига асосланиб, “Хуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик” деб ўзгартириш таклиф этилади;

учинчидан, жиноятларни тергов қилиш даври мобайнида тергов профилактик фаолиятни тизимлаштириб такомиллаштириш, жиноятларни барвақт олдини олиш фаолиятида давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар билан ҳамкорликнинг самарали йўналишларини, механизмларини ишлаб чиқиш,



шунингдек оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда жиноятлар профилактикаси, хусусан жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаблар ҳамда шарт-шароитлар тўғрисидаги дастурлар ишлаб чиқиб намоиш этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, огоҳликка чақириш орқали виктимологик профилактикани ташкил қилишда асос сифатида хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

- 1.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Т-3. Б-316.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда
- 3.Хўжакулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир проф. И. Исмаилов. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017., Б. 7.
- 4.Криминология: Учебник // под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр.-3.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.А.Абдумажидов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.-
- 6.Ўзбекистон юридик энциклопедияси /нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. Т.:Адолат, 2010. Б. 184.
- 7.Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар // юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Рустамбаев таҳрири остида. Т.:2009., Б. 4.
- 8.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / Масъул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 7.
- 9.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 2-моддаси



10. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси 2-моддаси

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори №565-сон

2021 йил 10 сентябрь 1-боб 5-банд.